

ПРЕСС-РЕЛИЗ

Буюк Ипак йўлидан космик технологиялар сари: Ўзбекистон ва Хитой “Samarkand-2028” сунъий йўлдошини орбитага чиқарди

Тошкент, Ўзбекистон Республикаси / Хайян, Хитой Халқ Республикаси

2026 йил 5 август

2026 йил 5 август куни Тошкент вақти билан соат 07:00 дан 09:00 гача Хитой Халқ Республикасининг Хайян Шарқий космодромидан STAR.VISION компанияси томонидан “Ўзбеккосмос” агентлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Samarkand-2028” Ерни масофадан зондлаш сунъий йўлдоши муваффақиятли орбитага чиқарилди.

“Samarkand-2028” сунъий йўлдошининг учирилиши Ўзбекистон Республикаси тарихидаги энг йирик халқаро космик лойиҳа бўлиб, мамлакат миллий космик дастури ривожда янги босқични бошлаб берди. Мазкур лойиҳа, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги стратегик илмий-технологик ҳамкорликнинг янги саҳифасини очмоқда.

Миссиянинг энг муҳим жиҳатларидан бири шундан иборатки, STAR.VISION компаниясининг халқаро лойиҳалари тарихида илк бор “Ўзбеккосмос” агентлиги муҳандислари томонидан ишлаб чиқилган сунъий интеллект модули сунъий йўлдош таркибига интеграция қилинди. Мазкур технология сунъий йўлдош томонидан олинган маълумотларни бевосита орбитанинг ўзида қайта ишлаш имконини беради. Натижада узатиладиган маълумотлар ҳажми сезиларли даражада қисқаради, натижаларни олиш тезлашади ҳамда кейинги таҳлил жараёнининг самарадорлиги янада ошади.

“Samarkand-2028” миссияси қишлоқ хўжалиги, экология, табиий ресурсларни мониторинг қилиш, сув ресурсларини бошқариш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, шаҳарсозлик ҳамда иқтисодиётнинг бошқа стратегик йўналишларида космик технологияларни қўллаш учун янги имкониятларни яратади. Шу билан бирга, лойиҳа космик муҳандислик, сунъий интеллект ва сунъий йўлдош маълумотларини қайта ишлаш соҳаларида мамлакатнинг миллий салоҳиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Миссияга алоҳида рамзий мазмун бағишлаётган жиҳатлардан бири сунъий йўлдошнинг “Samarkand-2028” деб номланишидир. Ушбу ном бежиз танланмаган. У 2025 йилда Сидней шаҳрида бўлиб ўтган 76-Халқаро астронавтика конгресси (IAC) давомида қабул қилинган тарихий қарорни

ифодалайди. Айнан “Ўзбеккосмос” агентлиги ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари натижасида Самарқанд шаҳри бир овоздан 2028 йилда бўлиб ўтадиган 79-Халқаро астронавтика конгресси мезбони этиб сайланган эди.

Мазкур воқеа нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун ҳам тарихий ютуқ бўлди. Зеро, минтақа тарихида илк бор жаҳон космик саноатининг энг йирик халқаро форумига мезбонлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Айнан ушбу тарихий муваффақият “Samarkand-2028” номининг танланишига асос бўлиб хизмат қилди ва у бугунги кунда Ўзбекистон космик саноатининг жадал ривожланиши, мамлакатнинг глобал космик ҳамжамиятдаги нуфузи тобора ортиб бораётганининг ёрқин рамзига айланди.

Бундан ташқари, ушбу ном чуқур тарихий маънога ҳам эга. Самарқанд асрлар давомида илм-фан, астрономия ва маърифатнинг дунёдаги йирик марказларидан бири бўлиб келган. Айнан шу заминда XV асрда буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ўз даврининг энг мукаммал астрономик расадхоналаридан бирини бунёд этган.

Шухрат Кадилов – “Ўзбеккосмос” агентлиги директори

– “Samarkand-2028” сунъий йўлдошининг муваффақиятли орбитага чиқарилиши Ўзбекистон учун чинакам тарихий воқеадир. Бугун мамлакатимиз космик технологиялардан фақат фойдаланувчи эмас, балки уларни яратишда ҳам тўлақонли иштирок этаётган давлатга айланмоқда.

Айниқса, “Ўзбеккосмос” агентлиги мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган сунъий интеллект модулининг илк бор ана шундай йирик халқаро сунъий йўлдош лойиҳасига интеграция қилингани алоҳида рамзий аҳамиятга эга.

Сунъий йўлдошга “Samarkand” номи берилгани ҳам бежиз эмас. Бу ном мамлакатимизнинг бой илмий меросини ўзида акс эттиради ва хитойлик ҳамкорларимизнинг Ўзбекистон тарихи ҳамда маданиятига бўлган юксак ҳурматининг ифодасидир.

Мазкур ютуқларнинг барчаси Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган очиқлик сиёсати, изчил ислохотлар ҳамда илм-фан, инновациялар ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган стратегик сиёсат самарасидир. Айнан шундай ёндашув Ўзбекистон космик тармоғини сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга олиб чиқди ҳамда жаҳон миқёсидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратди.

Ишончим комилки, ушбу миссия Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида космик соҳадаги стратегик ҳамкорликни янада кенгайтириш учун ишончли платформага айланади.”

Ху Бин – STAR.VISION (Хитой) компаниясининг Бизнесни ривожлантириш бўйича вице-президенти

– “Samarkand-2028” лойиҳаси халқаро ҳамкорлик илғор муҳандислик ечимлари ва инновацион технологияларни қандай уйғунлаштира олишини яққол намоён этади.

“Samarkand” номининг танланиши Ўзбекистоннинг бой тарихий меросига бўлган чуқур ҳурматимизни ифодалайди ҳамда ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан узоқ муддатли стратегик шерикликни ривожлантиришга интилишимизни акс эттиради.

Биз “Ўзбеккосмос” агентлиги мутахассисларининг, айниқса, сунъий интеллект йўналишидаги ҳиссасини юксак қадрлаймиз. Уларнинг ишланмалари сунъий йўлдош архитектурасининг муҳим таркибий қисмига айланди.

Ишонамизки, ушбу миссия космик технологиялар ривожига муносиб ҳисса қўшади ҳамда Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.”

“Samarkand-2028” сунъий йўлдошининг муваффақиятли учирилиши Ўзбекистоннинг жаҳон космик экотизимига фаол интеграциялашиш, халқаро илмий-техник ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда илғор технологияларни мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўлида кенг жорий этишга бўлган қатъий интилишини яна бир бор тасдиқлайди.

Лойиҳа, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро ишончнинг юксак даражасини намоён этади ҳамда космик тадқиқотлар, сунъий йўлдош технологиялари, сунъий интеллект, муҳандис кадрларни тайёрлаш билан боғлиқ янги қўшма ташаббусларни амалга ошириш учун мустаҳкам асос яратади.